



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 7 сентябрь, № 183 (8806)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ПРЕЗИДЕНТ ПАРАЛИМПИА УЙИНЛАРИ ЧЕМПИОНЛАРИ БИЛАН СУЎБАТЛАШДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Парижда бўлиб ўтаётган Паралимпия ўйинларининг кейинги кунларида муваффақият қозонган спортчиларимиз билан телефон орқали суҳбатлашди.

Дзюдочи Шерзод Намозов финалда рақибини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритган эди. Бу ҳамюртимизнинг Паралимпия ўйинларидаги иккинчи чемпионлиги бўлди.

Енгил атлетика бўйича ядро улоқтириш баҳсларида Хусниддин Норбеков 16.82 метр натижа қайд этиб, биринчи ўринни эгаллади. Шу тариқа, у учинчи бор Паралимпия ўйинлари голиби бўлган илк ўзбекистонлик спортчига айланди.

Давлатимиз раҳбари суҳбатда уларнинг иродали курашларини хаяжон билан кузатганини, Ватанимизга навбатдаги олтин медалларни келтирганидан хурсандлигини таъкидлади. Халқимиз номидан спортчиларни самимий қўллаб, уларнинг мураббийлари ва ота-онасига ташаккур айтди.

Чемпионлар юксак эътибор ва доимий қўллов учун миннатдорлик билдирди.

Ў.А.

Учрашув

ЎЗБЕКИСТОН ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ ИСТИҚБОЛИ МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг олий вакили Фатима Рабабхоним билан учрашди.

Унда Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси истиқболи учун муҳим масалалар юзасидан суҳбатлашилди.

Жумладан, денгиз йўли орқали савдо алоқаларини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти, келгусидаги режалари ҳақида фикр алмашилди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда қўшни давлатлар билан ўзаро яхши муносабатларининг қўламини кенгайтиргани, минтақадаги иқлим ўзгариши, экологик муаммоларга қаратилаётган эътибор ва ечимлар, қишлоқ хўжалигидаги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, онлайн савдо тизимини ривожлантириш, транзит йўлларининг хавфсизлиги масалаларига эътибор қаратилди.

Мулоқот давомида Марказий Осиё минтақасидаги ташқи савдо, транспорт ва коммуникация соҳалари ҳамда бу борада халқаро даражада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Хусайн Иброҳим ТОҲА:

Ўзбекистоннинг инновациялар, таълим ва барқарор ривожланишга қаратаётган эътибори ИХТ мақсадларига тўлиқ мос келади

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари қаторида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Шу маънода, мамлакатимиз барқарор ривожланишга эришиш, глобал тарзда дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ўз хиссасини қўшиш орқали йирик минтақавий тузилмалар таркибида фаол позицияни эгаллаб келаётган.

«Дунё» ахборот агентлиги Ислам ҳамкорлик ташкилоти бош қотиби Хусайн Иброҳим Тоҳа билан бугунги кунда мазкур тузилма доирасида ўзаро ҳамкорлик қандай ривожланаётгани, бу жараёнда Ўзбекистоннинг ўрни ҳақида суҳбатлашди.

— Дунё нигоҳи

— Жаноб бош қотиб, Сизнинг «Ўзбекистон буюк ислом мутафаккирлари ва олимлари юрти, ташкилот ушбу соҳаларда республика билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор», деган сўзларингиз барчамизнинг ёдимизда. Мамлакатимиз, унинг замонавий тараққиёти ва халқаро майдондаги ўрнини қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистон замини қадимда Буюк Ипак йўли бўйлаб Шарқ ва Ғарб ўртасида муҳим чорраха бўлиб хизмат қилган. Савдо, сотиқ, гоғлар ҳамда маданиятлар алмашинувида асосий вазифани бажарган. Маданий чорраха сифатидаги бу ноёб макен цивилизациялар бой меросининг шаклланишига ҳисса қўшди. Хусусан, Ўзбекистон тарихида халққа сингиб кетган меҳр-оқибат,



меҳр-муҳаббат ҳамда бунёдкорлик қадриятларида акс этган турли маданиятларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уйғунлиги алоҳида муҳасам.

Ўзбекистон ислом меросини асраб-авайлашга катта ҳисса қўшди. Бунини Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари тасдиқлайди. Бу мамлакат ислом илм-фанининг маркази ҳам бўлиб, маънавият, фикр, фалса-

фа, санъат, тиббиёт, математика ва табиий фанлар каби илгор соҳалар ривожига катта ҳисса қўшган буюк сиймоларга бешик бўлган. Хусусан, Имом Бухорий, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа аждодларингиз жаҳон интеллектуал тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган олимлардир.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг ноёб ислом қўлэмалари тўплами билан машҳур бўлиб, уларнинг ақсарияти ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Булар мамлакатнинг бой интеллектуал меросига эгаллигидан дарак беради. Ислам ҳамкорлик ташкилоти Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан турли соҳаларда, жумладан, иқтисодий, сиёсат, жамият ва илм-фан йўналишларида алоқаларни мустаҳкамлаб келмоқда. ИХТ мамлакатлари туризм вазирлари то-

монидан Хива шаҳри 2024 йилда «Ислам дунёсининг туризм пойтахти» деб эълон қилингани ҳам ҳамкорлигимиз нечоғли ривожланиб бораётганидан далолат.

— Ўзбекистоннинг салоҳияти, дунёдаги энг йирик халқаро ташкилотлардан бири, 1,7 миллиард аҳолига эга 57 давлатни бирлаштирган ИХТ билан ҳамкорлик истиқболлари ҳақида нима дея оласиз? Янги Ўзбекистондаги яратилаётган имкониятлар мазкур тузилма доирасидаги алоқаларга қандай таъсир кўрсатмоқда?

— Ўзбекистоннинг стратегик жойлашуви ва ўсиб бораётган иқтисодиётидан келиб чиққан ҳолда ИХТ билан алоқаларни чуқурлаштириш учун салмоқли салоҳиятга эга.



МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Мамлакатимиз парламенти юқори палатаси томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига амалий-услубий қўмаклашиш, улар фаолият самарадорлигини ошириш борасида тизимли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 3 февралдаги қарори билан Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссия ташкил қилингани ва мазкур тузилма томонидан кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

■ Мушоҳада

Ўтган даврда амалга оширилган ишларга тўхталадиган бўлсак, 2020 йил 14 сентябрда янги таҳрирда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун асосида маҳаллий Кенгашларда доимий асосда ишловчи котибиятлар фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда котибиятлар томонидан маҳаллий Кенгашлардаги 6 минг 350 дан зиёд депутатларга ташкилий, ахборот-таҳлилий ва бошқа йўналишларда хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлари намунавий одоб-ахлоқ қоидалари лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2023 йил 25 мартдаги қарори билан тасдиқланди. Шуларга мос ҳолда Ҳукумат томонидан вакиллик органлари фаолиятига доир қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини Олий Мажлис Сенати билан келишиш тизими жорий этилган бўлиб, ушбу лойиҳалар маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда муҳокама қилинмоқда ва тегишли таклифлар

Вазирлар Маҳкамасига кири-тиб боришмоқда.

2021 йилдан бошлаб эса Олий Мажлис Сенати қўмиталари томонидан маҳаллий Кенгаш депутатлари учун қонунчиликдаги янгиликлар юзасидан ўқувлар ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилди ва ҳар йили 50 га яқин турли семинарлар ўтказиб келинмоқда.

Ўқув-семинарларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, Давлат бюджет тўғрисидаги қонундаги тўғри, солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар ва ижтимоий соҳадан тортиб «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасига қадар — барча йўналиш камраб олинмоқда.

Ҳар чоракда маҳаллий Кенгаш депутатлари билан Сенат раҳбарияти учрашуви ўтказилиб, фаолият яқунлари сарҳисоб қилинаётгани ва зарур тавсиялар ишлаб чиқилаётгани ҳам улар фаолиятини янги-ча ташкил этишда қўл кел-лаётган. Маҳаллий вакиллик

органлари фаолиятини услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор қўлланмалар тайёрланиб, фойдаланиш учун маҳаллий Кенгаш депутатларига етказиб берилганлигини ҳам алоҳида айтиш зарур.

Шу йўналишда мамлакатимизнинг янгиланган Конституцияси-га мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик орган-ларига ўз фаолиятини амалга оширишда қўмаклашиш Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколати сифатида белгилан-ганлигини эслаб ўтиш жоиз. Негаки, ана шу ҳуқуқий янги-ланишлардан кейин парламент юқори палатасининг мазкур йўналишдаги фаолияти янада тезлашди.

Президентнинг 2024 йил 2 февралдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорли-гини ошириш чора-тадбирла-ри тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларга янги-ча суръат бағишлади.



Нуктаи назар

Депутатликка номзод қандай талабларга жавоб бериши керак?

Юртимизда давлат ва жамиятни модернизация қилишга йўналтирилган туб ислохотлар давом эттирилмоқда. Бундан қўзланган мақсад халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо қилиш бўйича хоҳиш-иродасини рўйбга чиқариш, ҳар жиҳатдан етук авлодни тарбиялаш, кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдан иборат.

Шу жиҳатдан ҳам амал-га оширилаётган тизимли ва дадил ислохотлар нати-жасида миллий сайлов қонунчилиги ва амалиёт демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос-лаштирилиб, фуқаролар-нинг ўз хоҳиш-иродасини янада фаол ва эркин ифо-да қилишга қаратилган ҳуқуқий кафолатлари кен-гайтирилмоқда. Хусусан, бу ҳолатлар сайловларни таш-кил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ қонунчилик норма-лари ва талабларида ҳам ўз ифодасини топиб, янгилан-ган конституциявий-ҳуқуқий шaroитларда амалга оши-рилаётган кенг қўламли ис-лохотларни янги босқичга олиб чиқди.

Бинобарин, сайловлар-нинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти эътибор-га олинган ҳолда шу йил 27 октябрда вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловлар «Менинг танло-вим — обод Ватаним» ши-ори остида ўтказиладиган бўлди. Бу галги сайловлар мутлақо янги конституция-вий-ҳуқуқий шaroитларда бўлиб ўтади. Зеро, янги тахрирдаги Конституцияга асосан янги сайланадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кенгайтирилган ваколатлар асосида иш бошлайди. Қолаверса, амалга оширилган ислохот-лар натижасида маҳаллий Кенгашларнинг бошқарув тизими ислох этилди. На-тижада ҳокимларнинг ма-ҳаллий Кенгашга раҳбарлик амалиёти бекор қилинди. Бу, ўз навбатида, ҳокимият ваколатларининг бўлиниш

принципини маҳаллий дара-жада татбиқ этишга, маҳал-лий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини, ҳоким-ларнинг халқ вакиллари ол-дидаги масъулиятини оши-ришга олиб келади.

Ваҳоланки, бугунги гло-баллашган дунёда аҳоли ишончини қозониш ва жа-миятни бошқариш ўта му-раккаб сиёсий ва ҳуқуқий масалага айланиб бораёт-ган бир вақтда миллий ва-киллик органлари жамият эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган, давлат ва миллиятнинг тафаккури маркази бўлмоғи даркор. Чунотки, айнан вакиллик органлари жамият равнақи ва аҳоли манфаатлари йўлида муайян гоғлар, ман-фаатлар, мафкура ва қарашлар тўқнашадиган ва уларнинг энг мақбулини танлашга имкон берадиган сиёсий майдонга айланиши тақозо этилади. Бунинг учун вакиллик органлари ўз фаолиятида эркин, адолат-ли ва албатта, фаол бўли-ши керак. Зотан, амалга оширилган конституциявий ислохотларни ҳаётга фаол татбиқ қилиш учун ҳам мам-лакатда кучли ва қобилият-ли вакиллик органларини шакллантириш керак бўла-ди. Буларнинг барчаси, ав-вало, бўлиб ўтадиган сай-ловларда сайланадиган номзодларнинг келгусидаги фаолиятига бевосита боғлиқ ҳисобланади. Бу эса сиёсий партиялардан муайян сифат ва талабларга эга бўлган муносиб шахсларни депу-татликка номзод сифатида кўрсатишни тақозо қилади.



МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ушбу хужжатга асосан:
– жамият ва давлат ҳаёти-
нинг муҳим масалаларини ҳал этиш-
да маҳаллий вакиллик органларнинг
ролини ошириш мақсадида 33 та
функция ва ваколат маҳаллий Кенгаш-
ларга ўтказилди;
– маҳаллий Кенгашларнинг давлат
органлари ҳисобот (ахборот)ларини
эшитишга доир айрим ваколат ва
функциялари 10 тага бириштирилган
ҳолда тизимлаштирилди;
– маҳаллий Кенгашлар зиммасига
вазифа ва функциялар фақат қонун
ҳужжатлари билан юкланиши белгилаб
қўйилди;
– давлат ҳокимияти ва бошқаруви
органлари томонидан маҳаллий Кен-
гашлар фаолиятига аралашушига йўл
қўйилмаслиги белгиланди;
– маҳаллий давлат ҳокимияти
органлари фаолиятини “Кучли Кенгаш,
ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” та-
моилии асосида ташкил этиш юзаси-
дан қонунчилик ҳужжатларини тақо-
милаштиришга қaratилган “Йўл хар-
итаси” тасдиқланди.

Қолаверса, вакиллик органлари
фаолиятида очкилик ва шаффофлик-
ни таъминлаш ҳамда маҳаллий Кен-
гаш депутатлари билан фуқаролар
ўртасида электрон мулоқот майдони-
ни яратиш мақсадида Рақамли те-
хнологиялар вазирлиги билан ҳамкор-
ликда “Е-kengash” платформаси
ишлаб чиқилди ва ишга туширилди.
Ҳозир ушбу платформада маҳаллий
Кенгашлар томонидан имзоланган
қарорлар, ўтказилган тадбирлар ва
улар фаолиятига оид бошқа маълум-
отлар эълон қилиб борилмақда.

Ўз навбатида, маҳаллий Кенгашлар
фаолият самарадорлигини оширишга
қaratилган қатор намунавий ҳужжат-
лар — низоом, тартиб ва йўриқнома-
лар ишлаб чиқилди.

Улар қуйидагилардан иборат:
* маҳаллий Кенгаш депутатлари-
нинг ўз сайловчилари олдидagi ах-
борот бериши юзасидан намунавий
тартиб;
* ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-
лар раҳбарлари ҳисоботларини
эшитишнинг намунавий тартиби;
* маҳаллий Кенгаш қотибятлари-
нинг ички меҳнат тартиби.

Яна бир муҳим янгилик сифатида
маҳаллий Кенгашлар ваколатлари, ва-
зифалари ва функциялари реестри
ишлаб чиқилганини келтириш мумкин.
Унга 150 га яқин функция ва вако-
латлар киритилган бўлиб, мазкур
реестр мунтазам янгилана борилади.

Жорий йилдан бошлаб маҳаллалар-
даги муаммоларни ҳал этиш мақса-
дида “Маҳалла еттилиги” — Кенгаш
— Сенат” уч бўғинли ҳамкорлик тизи-
ми йўлга қўйилди.

Бугунги кунда халқ вакиллари ма-
ҳаллаларда “Маҳалла еттилиги” билан
биргаликда қабуллар ташкил қилмоқ-
да, аҳоли муаммоларини ўрганиб,



уларни бартараф этиш юзасидан
ижро органлари олдига масалалар
қўймоқда ва ижросини назорат қилиб
боряпти. Агар муаммо ўз вақтида ҳал
этилмаса, у сессия муҳокамасига
олиб чиқилади, мутасаддилар ҳисо-
ботлари эшитилиб, танқидий муҳока-
ма қилинади.

Парламент назорати тадбирлари
доирасида Сенат қўмиталари ва ишчи
гуруҳлари томонидан қонунлар, ҳудуд-
ларни ривожлантиришга қaratилган
қарор ва дастурлар ижросини ўрғани-
ш жараёналарига маҳаллий Кенгаш
депутатлари ҳам фаол жалб этилмоқ-
да ва ўрганишларда бевосита қатна-
шиб келмоқда. Бу эса жойлардаги
камчиликларни аниқлаш ва бартараф
қилиш, республика даражасидаги ма-
салаларни Олий Мажлис Сенатига
олиб чиқиш орқали ҳал этиш имкони-
ни берапти.

Шу сингари саъй-ҳаракатлар нати-
жасида маҳаллий Кенгашлар фаоли-
яти самарадорлиги ошди, нафақат
сон, балки сифат жиҳатдан ҳам янги
босқичга кўтарилди. Эндиги вазифа
эса ютуқларни янада кўпайтиришдан
иборат. Ва бу борада илк қадамлар
қўйилди. Гап шундаки, давлатимиз
раҳбарининг шу йил 2 февралдаги
Фармонида Ўзбекистонда маҳаллий
давлат ҳокимияти вакиллик органла-
ри фаолиятини 2030 йилга қадар ри-
вожлантириш концепциясини ишлаб
чиқиш вазифаси белгиланган бўлиб,
Олий Мажлис Сенати Кенгаши қаро-
ри билан концепция ишлаб чиқиши-
ни ташкил этиш бўйича комиссия
ҳамда унинг таркибида ҳар бир йўнали-
ш бўйича ишчи гуруҳлар тuzилган
бўлиб, бугунги кунда лойиҳа тақоми-
лига етказилмоқда.

Ишонимки, ушбу концепциянинг
қабул қилиниши маҳаллий вакиллик
органлари фаолиятини янада куч-
айтиришда ҳамда фаолият самара-
дорлигини оширишда дастуриламал
бўлиб хизмат қилади.

Толибжон МАДУМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудрофас
ва хавфсизлик масалалари қўмитаси
раиси ўринбосари, Маҳаллий
ҳокимият вакиллик органлари
фаолиятини кучайтиришга
қўмаклашувчи комиссия раиси.

Хусайн Иброҳим ТОҲА:

Ўзбекистоннинг инновациялар, таълим ва барқарор ривожланишга қаратаётган эътибори ИХТ мақсадларига тўлиқ мос келади

Инфратузилма мустаҳкамла-
ниб, иқтисодиёт диверсифика-
ция қилинар экан, Ўзбекистон Марка-
зий Осиёда ИХТга аъзо давлатлар
ўртасидаги алоқаларни ўрнатишда му-
ҳим роль ўйнаши мумкин. Чунки Ка-
мерунда бўлиб ўтадиган Ташқи ишлар
вазирлари кенгашининг 50-йигилиши
мавзуси ҳам ИХТ доирасида транспорт
ва коммуникация инфратузилмасини
ривожлантиришга бағишланганини
ҳисобга олсак, юртингизнинг аҳамия-
ти ниҳоятда муҳим. Ўзбекистоннинг ин-
новациялар, таълим ва барқарор ри-
вожланишга қаратаётган эътибори ИХТ

мақсадлари билан ҳамоханг бўлиб,
ўзаро манфаатли шериклик ва ислом
бирдамлиги ҳамда тараққиётига ҳисса
қўшади.
Ўқорида таъкидлаганимдек, Ўзбе-
кистон ИХТ билан ҳамкорликни чуқур-
лаштириш учун салмоқли салоҳиятга
эга. Ўзбекистон ўз инфратузилмасини
мустаҳкамлаш ва иқтисодиётини дивер-
сификация қилишда давом этар экан,
мамлакат бутун Марказий Осиёда
Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо
давлатларни бир-бирига боғловчи му-
ҳим марказга айланиш учун ноёб им-
кониятга эга бўлди.

— **Ислом ҳамкорлик ташкилоти**
Ўзбекистоннинг ушбу тузилма до-
ирасидаги кўп томонлама алоқа-
ларини ривожлантириш бораси-
даги саъй-ҳаракатларини, респуб-
ликанинг ташкилот саммитлари-
да илгари сурган ташаббуслари-
ни қандай баҳолайди?

— ИХТ Ўзбекистоннинг ташкилот до-
ирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни
мустаҳкамлаш ва қўшма ислом фаоли-
ятини кенгайтириш борасидаги фаол
саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди.
Ўзбекистоннинг мулоқот ва зиддиятлар-

ни тинч йўл билан ҳал этишга алоҳи-
да эътибор қаратаётгани ИХТ низо-
мида мустаҳкамланган тамойиллари-
га тўлиқ мос келади ва ислом олами-
да муҳим иштирокчи сифатидаги
мавқеини мустаҳкамлайди. Биз Ўзбе-
кистоннинг ИХТнинг турли ташаббус-
ларида фаол иштирок этаётганини ва
муҳим тадбирларни юқори савияда
ўтказаяётганини юксак кадрлаймиз. Бу
республиканинг ташкилот умумий кадр-
иятлари ва мақсадларига содиқли-
гидан далолат беради.

«Дунё» АА.
Жидда

ДАВЛАТ ТАДБИРКОРГА, ТАДБИРКОР ХАЛҚҚА МАДАДКОР

Яқинда Нукус шаҳрида Президентимизнинг тадбиркорлар билан очиқ муло-
қоти кўтаринки руҳда ўтди ва амалий ташаббусларга бой бўлди. Учрашувда
эришилган ютуқлар таҳлил қилинди, келгуси режалар, янги имкониятлар ҳақида
батафсил фикр алмашилди. Тадбиркорларга янада кенг имконият яратиш мақ-
садида муҳим йўналишлар белгилаб олинди.

Фикр



М а с а л а н ,
биргина бизнес
учун тўсиқ ва
ғовларни янада
қисқартириш
бўйича белги-
ланган вазифа-
ларни олайлик.
Бу борада тад-
биркорлик учун
тўсиқларни бар-
тараф этиш мақ-
садида аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига
ҳақиқий хавф солувчи мезонлар реестри
ишлаб чиқирилиши, унда йўқ мезон бўйича
тадбиркор фаолиятини тўхтатган мансаб-
дор жавобгарликка тортилиши одамлар
да бизнесга бўлган иштиёқни янада оши-
ришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Биламизки, аввал айнан солиқдан
қочиш учун тадбиркорлар корхонасини
банкрот, деб эълон қиларди. Бунчи ишби-
лармонлар билан сўхбатлашган, улар дар-
дига қулоқ тутган одам борки, яхши би-
лади. Мазкур ҳолатга қонун устуворлиги-
ни таъминлаш, айтиш пайтда ишбилармон-
ларга енгиллик беришдек оқилона йўл ор-
қали чек қўйилди.

Бугунги кунда давлат раҳбарининг шах-
сан ўзи тадбиркорлар билан учрашиб,
уларнинг муаммоларини тинглаётгани,
таклиф ва тавсияларини эшитаётгани
одамларда тадбиркорлик қилишга қатта
ишонч уйғотди.

Айни чоғда “маҳалла еттилиги” тизими

жорий этилгани узоқни кўзлаб қилинган
иш эканлигини ҳаммамиз кўриб, амалда
бунинг иштирокчисига айланиб турибмиз.
Ҳозир юртимизнинг қай бир гўшасига бор-
манг, маҳаллаларда иссиқхона дейсизми,
асаларичилик ёки хизмат кўрсатишми,
ҳамма-ҳаммаси шу ернинг ўзида бор. Пи-
ровардиди одамлар маҳалланинг ўзиди
бизнесини йўлга қўйиб, оиласи дарома-
дига ўз улушини қўшяпти.

Очиги, ҳозир давлат тадбиркорга, тад-
биркор эса халққа мададкор бўлмақда.
Бу, ўз навбатида, аҳоли бандлигини оши-
риш, одамларнинг яшаш шароитларини
яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш ва
камбағалликни қисқартиришга замин
яратяпти.

Давлатимиз раҳбари томонидан шу йил
30 август куни имзоланган “Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган тадбир-
кор” фахрий унвонини тасъис этиш тўғри-
сида”ги Қонун эса бизнес вакилларига
юксак эътибор ва рағбатнинг яна бир на-
моёни бўлди.

Айтиш мумкинки, юртимиз тараққиёти-
га ҳисса қўшадиган, аҳолининг доимий
қўмақчиси ва суяничига айланган тадбир-
корларни алоҳида рағбатлантириш инсти-
тутининг шаклланиши бизнес вакиллари-
ни қўллаб-қувватлаш борбарида, улар-
нинг ўз фаолиятларини янада кенгайти-
риш ва янги лойиҳаларни рўёбга қикари-
шини таъминлашда муҳим аҳамият касб
этади.

Мавжуда ҲАСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати.

Қонунчилик палатасида

Коррупцияга қарши курашиш бўйича меморандум имзоланди

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши
курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон
Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий
маъруза дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, кейинги йиллар-
да коррупциянинг олдини олиш ва унга
қарши курашишнинг ҳуқуқий ҳамда
институционал асослари тақомил-
лаштирилиб, жамиятда коррупция ил-
латига нисбатан муросасиз муҳитни
шакллантиришга қaratилган тизимли
ислохотлар амалга оширилмоқда.
Давлат органлари ва ташкилотла-
рида коррупцияга қарши курашиш-
нинг замонавий механизмлари кенг
жорий этилиб, уларнинг фаолиятида
очкиликни таъминлаш, жамоатчилик
олдида ҳисобдорликни ошириш бўйи-
ча зарур чоралар кўриляпти.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси-
да коррупциянинг омилларини бартар-
аф этиш тизими самарадорлигини
ошириш, жамиятда коррупцияга нисба-
тан муросасиз муносабатни шакл-
лантиришга қaratилган мақсадли
кўрсаткичлар белгиланди.

Соҳада давлат сиёсати изчилли-
гини таъминлаш мақсадида корруп-
цияга қарши курашмиш бўйича
2023-2024 йилларга мўлжалланган
давлат дастури қабул қилинди, очик
эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхати 35 тадан 40 тага
кенгайтирилди.

Бундан ташқари, 2023 йил учун
“Transparency International” ташкило-
тининг “Коррупцияни қабул қилиш”
индекси янги рейтингига Ўзбекистон
5 палона кўтарилиб, индекс баҳоси-
да қаторасига ўн йил давомиди бар-
қарор ўсишга эришилди.

Муҳокама давомиди депутатлар
томонидан коррупцияга қарши ку-
рашиш борасида амалга оширилган
ижобий ишлар қайд этилиб, давлат
органлари ва ташкилотларининг кор-
рупцияга қарши ички назорат тузил-
малари фаолиятида манфаатлар
тўқнашуви билан боғлиқ омиллар
тўлиқ бартараф этилмагани, давлат
харидлари тартиб-таомилларини
амалга оширишда товорнинг (иш-
нинг, хизматнинг) бошлангич нархи-
ни давлат харидларининг махсус
ахборот порталида эълон қилинган
нархлар асосида шакллантиришни
назарда тутуви норматив-ҳуқуқий
ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилмагани
ни танқид остига олинди.

Йиғилишда қўмита аъзолари со-
ҳада йўл қўйилган камчиликларни
бартараф этишга қaratилган таклиф-
ларни илгари суриб, миллий маъруза-
ни Қонунчилик палатасининг маж-
лиси кун тартибига қиритишни мақ-
сада мувофиқ, деб топдилар.

Кун тартибидagi масала юзасидан
қўмитанинг тегишли қарори қабул
қилинди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон
Республикаси Коррупцияга қарши ку-
рашиш агентлиги ҳамда Олий Маж-
лис Қонунчилик палатасининг Кор-
рупцияга қарши курашиш ва суд-
ҳуқуқ масалалари қўмитаси ўртаси-
да ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги
меморандум имзоланди.

«Халқ сўзи».

Депутатликка номзод қандай талабларга жавоб бериши керак?

Депутатликка номзодлар
учун сайлов қонунчилигида му-
айян талаблар белгилаб қўйил-
ган бўлиб, бироқ жохон стандартлари
ва сайловларга оид қондаларига кўра
умумий сайлов ҳуқуқи муайян ҳолат
ва шарт-шароитларга кўра чекланиши
мумкин. Бундай чекловлар сифатида
ёш, фуқаролик, мамлакат ҳудудида му-
айян вақт яшаш муддати, муайян тур-
даги жиноятлар учун ҳукм қилинганлик
кабиларни қўрсатиб ўтиш мумкин. Шу
нуктаи назардан, Ўзбекистон Респуб-
ликаси сайлов қонунчилигида вакиллик
органларига сайланадиган депутатлик-
ка номзодлар учун ҳам маълум бир
талаблар белгилаб қўйилган. Сайлов
кодексининг 71 ва 90-моддаларига кўра
вакиллик органлари депутатлигига ном-
зодлар қуйидаги талабларга жавоб бе-
ришлари шарт бўлади, яъни:

- 1) Қонунчилик палатаси депутатли-
гига номзод сайлов кунини 25 ёшга тўлган
бўлиши, маҳаллий Кенгашлар депутат-
лигига номзод эса сайлов кунини 21 ёшга
тўлган бўлиши керак;
- 2) депутатликка номзодлар бевоси-
та сайловгача камиди 5 йил Ўзбеки-
стон Республикаси ҳудудида муҳим
яшаётган бўлишлари лозим;
- 3) депутатликка номзодлар, ўз
навбатида, Ўзбекистон Республикаси
фуқароси бўлишлари шарт;
- 4) номзодлар қонун билан белгилан-
ган муайян ҳарбийлаштирилган бўлин-
маларнинг ҳодимлари ёки диний таш-
килотлар ва бирлашмаларнинг профес-
сионал хизматчилари бўлмаслиги лозим;
- 5) депутатликка номзодлар агар оғир
ёки ўта оғир жиноят содир этган бўлса,
унинг учун судланганлиги ҳолати туга-
ган ёхуд судланганлиги олиб ташлан-
ган бўлиши талаб этилади.

Айни дамда вакиллик органлари де-
путатлиги учун сайловда қатнашувчи
номзодларга бундай талабларнинг қўйи-
лиши бежиз эмас, албатта. Уларни му-
айян сабаблар билан изоҳлаш мумкин.
Биринчидан, вакиллик органлари де-
путатлигига қўйилган ёш цензи талаби.
Мазкур талаб Сайлов кодексининг
4-моддасидаги умумий сайлов ҳуқуқи
принципининг муҳим таркибий қисми
бўлиб, сайлов кунини 25 ёшга тўлган шахс



Қонунчилик палатаси депутатлигига ёки
сайлов кунини 21 ёшга тўлган шахс эса
маҳаллий Кенгаш депутатлигига сайла-
ниш ҳуқуқига эга эканлигини анигла-
тиди. Вакиллик органлари депутатлиги
учун ўрнатилган ушбу ёш цензлари
қонун чикарувчи томонидан энг мақбул
ёш этиб белгиланган бўлиб, чунки бу
ёшда инсон ҳар томонлама шакллана-
ди. Негаки, шахс шу ёшга тўлган ўз
мустақил позициясига эга бўлиб, унда
муҳим қарорларни қабул қилиш кўник-
маси шаклланган бўлади. Чунончи, ва-
киллик органлари олдига қўйилган
вазифаларни амалга оширишда муай-
ян ёш ва тажриба муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, вакиллик органлари де-
путатлиги ўринлари учун сайланувчи
номзодлар бевосита сайлов кунига
қадар камиди 5 йил Ўзбекистон Рес-
публикаси ҳудудида муҳим яшаётган
бўлиши лозим. Номзодлар учун қўйи-
ладиган ушбу талаб, айтиш пайтда улар-
нинг халқ билан ҳамнафас бўлиш да-
рахасини белгилайди. Чунки 5 йил бир
инсон учун мамлакатдаги ўзгаришлар
ва шарт-шароитни яхши билиш, шид-
дат билан ўзгараётган ҳозирги замон-
да у ёки бу ишни амалга ошириш учун
масаланинг негизига етиб бориш, му-
айян жойининг ўзига хос хусусиятини
аниглаб етиш, ижтимоий-иқтисодий ри-
вожланишдан бохабар бўлиши учун
етарли муддатдир. Шунинг учун мам-
лакатнинг муайян ҳудудида яшаётган
аҳоли билан ҳамнафас бўлган, улар бил-
ан бир шароитда яшаган инсоннинг
депутатликка номзод сифатида кўрса-
тилиши мантқан тўғри.

Учинчидан, депутатликка номзод
Ўзбекистон Республикаси фуқароси
бўлиши керак, деган талабга тўхталиб
ўтсак. Бу ҳам жуда муҳим талаблардан
бири, чунки муайян мамлакатда қонун
чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириш
ҳамда жойларда қонунлар ва бошқа
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини
таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ри-
вожлантириш жараёнларини бошқариш
учун шу давлатнинг фуқароси бўлиш
талаби муҳим аҳамиятга эга. Сайлов
ва сиёсий жараёнларда фуқаролик ма-
саласининг яна бир муҳим жиҳати шун-
даки, бу мамлакатнинг кейинги тақди-
ри билан бевосита боғлиқ. Фақат шу
ўрн фуқароси мамлакат тақдирини ҳақида
қўпроқ қайғуради. Ҳолбуки, янги тах-
рирдаги Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси 32-моддасига мувофиқ
жамият ва давлат ишларини бошқариш-
да бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали
иштирок этиш ҳуқуқига фақат Ўзбе-
кистон Республикасининг фуқаролари
эга. Шунинг учун қонунчиликда нафа-
қат номзод кўрсатишда, балки сайлов-
да иштирок этиш, овоз бериш учун ҳам
фуқаролик талаби белгиланган.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республи-
каси Қуролли Қучларининг ҳарбий хиз-
матчилари, Ўзбекистон Республикаси
Давлат хавфсизлик хизматининг, Мил-
лий гвардиянинг, Ички ишлар вазирли-
гининг, Божхона қўмитасининг, бошқа
ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг
ҳодимлари, шунингдек, диний ташки-
лотлар ва бирлашмаларнинг профес-
сионал хизматчилари вакиллик орган-
лари депутатлигига номзод этиб рўйхат-
га олинмайди. Шунингдек, судьялар,
прокуратура органларининг ва ижро
етзуви ҳокимият органларининг мансаб-
дор шахслари (бундан вилоят, туман
ва шахар ҳокимлари мустасно) депутат
этиб сайланган тақдирда, эғаллаб тур-
ган лавозимидан бўшаб тўғрисида ари-
за бериш шарти билан маҳаллий Кен-
гашлар депутатлигига номзод этиб
рўйхатга олинмади. Чунки бўлажак де-
путат ижро ҳокимияти органларида
фаолият олиб бормаслиги даркор,
боиси депутатнинг асосий вазифала-
ридан бири ижро етзуви ҳокимият
органлари фаолиятини назорат қилиш

билан боғлиқ бўлади, бу эса мазкур
фаолиятда манфаатлар тўқнашувини
келтириб чиқаради.

Шунингдек, депутатликка номзод
этиб, диний ташкилотлар ва бирлаш-
маларнинг профессионал хизматчилар-
и рўйхатга олинмаслигига сабаб янги
тахрирдаги Конституцияимизнинг
75-моддасида белгиланган диний таш-
килотларнинг давлатдан ажратилганли-
ги, давлат диний ташкилотларнинг
фаолиятига аралашмаслигига оид
қоида билан боғлиқ. Мазкур қоида асо-
сида давлат, диний ташкилотлар фао-
лиятига аралашмагани каби диний таш-
килотлар ва уларнинг хизматчилари ҳам
давлат сиёсатига аралашмайди.

Бешинчидан, Сайлов кодексининг
71 ва 90-моддаларига мувофиқ содир
этилган оғир ёки ўта оғир жинояти учун
судланганлик ҳолати тугалланмаган
ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган
фуқаролар ҳам вакиллик органлари де-
путатлигига номзод этиб рўйхатга олин-
майди. Ушбу тақдирчи норманинг мо-
ҳияти кўпчилик учун тушунарли. Саба-
би вакиллик органлари депутатлик
ўринлари масъулияти ва мамлакат ри-
вожи ва келажагини белгилашда ишти-
рок етзуви муҳим лавозим ҳисоблана-
ди. Унга кўрсатилаётган номзодлар оғир
ёки ўта оғир жиноят содир этмаган ва
бундай жинояти учун қонунда белгилан-
ган тартибда судланганлик ҳолати ту-
галланган ёхуд олиб ташланган бўлиши
шарт. Чунки бундай юксак мартабага
сайланадиган номзод муносиб ҳуққ-ат-
вори, интизоми, масъулияти, жамиятдаги
обру-эътибори, ибратли ҳаёт йўли
билан намуна бўлиши лозим. Бу вакил-
лик органлари депутатлигига номзоднинг
юксак ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятга
эгаллигини намоян этидиган яна бир му-
ҳим мезон ҳисобланади.

Яна шунини таъкидлаш керакки, ном-
зодлар жинси, irqий ва миллий ман-
сублиги, тили, динга муносабати, иж-
тимоий келиб чиқиши, эътиқоди,
шахсий ва ижтимоий мавқеи, маъ-
лумоти, машғулоти тури ва хусусияти-
дан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига
эга бўладилар. Шунингдек, вакиллик
органлари депутати учун қайта сайланиш
юзасидан тақиқ мавжуд эмас, яъни

уларнинг ваколат муддатларини чек-
лашга оид қондалар қонунчиликда на-
зарда тутилмаган.

Ўқорида таъкидланганлар билан
бирга, кўриб чиқилаётган масаланинг
яна бир алоҳида жиҳатига аҳамият бе-
риш керакки, у ҳам бўлса вакиллик
органлари депутатлигига номзодлар
учун қўйиладиган талабларнинг сифат
жиҳатлари ҳисобланади. Аммо амалда
депутатликка номзод қандай сифатлар-
га жавоб бериши кераклигига оид
талаблар қонунчиликда белгиланмаган.
Шундай бўлса-да, депутатликка номзод
сифат кўрсаткичлари унинг бўлажак
сайловда сайловчилар томонидан
қўллаб-қувватланишининг асосий мезо-
ни сифатида ҳамда қонун нормалари
билан депутатлар олдига қўйилган ва-
зифа ва ваколатларни тўлақонли ва са-
марали бажариши учун муҳим эканли-
ги билан баҳоланади.

Биламизки, депутатнинг асосий ва-
зифаларидан бири давлат тузилмала-
рида фуқароларнинг манфаатларини
ифодалашдан иборат бўлиб, Конститу-
цияда эълон қилинган фуқароларнинг
ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш
ҳисобланади. Шу боис ваки

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ҲУҚУҚ ВА ИМКОНияТЛАР ТЕНГЛИГИ, КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида ўз ифодасини топган

Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг XIV Қурултойи бўлиб ўтди.

Партия аъзолари томонидан ҳудудлардан сайланган делегатлар, партия Марказий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, фаоллар, экспертлар ва ОАВ вакиллари иштирок этган қурултойда Халқ демократик партиясининг сайловда қатнашиши ҳамда янги Сайловолди дастури тўғрисидаги муҳим масалалар муҳокама қилинди.

«Сайлов — 2024»

Дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларда партиянинг муносиб ва фаол иштирокини таъминлаш бора-сидиги долзарб вазифалар тўғрисида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Улуғбек Иноятов маъруза қилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг 2019 — 2024 йиллардаги фаолияти юзасидан тайёрланган ҳисоботлар қурултойда атрофлича муҳокама этилди. Партия 82 бондан иборат мақсадларни белгилаб олган бўлиб, ҳозирга қадар уларнинг 70 дан ортиғи амалга ошган.

Таъкидланганидек, айнан Халқ демократик партияси ташаббуси ва тақлифлари билан минимал истеъмол ҳаражатларини эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари ундан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Шунингдек, аҳолининг кам даромадли қатлами учун қурилаётган арзон уй-жойлар сони кўпайтирилди, ушбу соҳада имтиёзли ипотека кредити ажратиш амалиёти такомиллаштирилди. Уй-жой олишни субсидиялаш тизими йўлга қўйилиши натижасида ҳудудларда 6 мингта қўп қаватли уй барпо этилиб, 250 минг оилага берилди.

Қурултойда партия Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолияти ҳақидаги ҳисоботлар чуқур ва танқидий-тахлилий қўриб чиқилди. Партиянинг 2019 — 2024 йилларга мўлжалланган дастури самарали амалга ошаётгани қайд этилди.

Шундан сўнг Халқ демократик партиясининг бу галги сайловда иштироки билан боғлиқ энг муҳим масалалар таҳлилдан ўтказилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар муносабати билан 2025 — 2029 йилларга мўлжалланган янги Сайловолди дастури делегатлар эътиборига тақдим этилди.

Дастурда давлат ва жамиятни ривожлантириш, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритишга қаратилган 10 та йўналиш, 15 қадамни ўзида муҳассам этган 100 га яқин тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Хусусан, дастурда ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича адолатли давлат пенсия таъминоти тизимини жорий қилиш, аҳолида дорига қарамликни камайтириш, мактабларда чет тиллар ва IT ўқув соатларини кескин кўпайтириш, ўзини банд этганлар учун шарт-шароитларни яхшилаш, улуш киритиш асосида уй-жой қурилаёт-

ганда харидорларни кафолатли ҳимоя қилиш бўйича ечимлар тақлиф этилган.

Қонун устуворлигини таъминлаш йўналишига доир Давлат бюджетидан қимматбаҳо совғалар ҳада қилишни қеклаш, бюджет маблағларини самарасиз ишлатганлик учун жавобгарликни кучайтириш, соҳавий назорат органларига республика ҳокимият органларининг таъсирини камайтириш билан боғлиқ тақлифлар делегатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Партия дастуридан, шунингдек, давлат ва жамият қурилиши йўналишига доир қатор ташаббуслар жой олган.

Партиянинг устувор мақсад ва гоъялари, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли манфаатлари билан боғлиқ тақлифлар жой олганлигини ҳисоба олиб, қурултой делегатлари Халқ демократик партиясининг янги Сайловолди дастурини тасдиқлади.

Қурултойда сайлов хар бир партия учун кенг имконият ва албатта, катта масъулият эканлиги, айниқса, бу галги янгича, аралаш тизимда ўтадиган сайловлардан халқимизнинг умиди катталиги ҳам айтиб ўтилди. Шу боис Халқ демократик партияси парламент кўйи палатаси депутатлигига номзодларни илгари суриш масаласига жиддий масъулият билан ёндашганиги ургуланди.

Қурултойда партия Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов учун ташкил этилган бир мандатлик 75 та округдан 75 нафар номзодни илгари сурди, шунингдек, пропорционал тизим бўйича 100 кишилик партиявий рўйхат ҳам тақлиф этилди.

Номзодларнинг 47,4 фоизи аёллардан иборат бўлиб, 175 нафар номзоднинг барчаси олий маълумотга эга. Уларнинг 8 фоизини ҳуқуқшунослар, 13 фоизини иқтисодчилар, 6 фоизини муҳандислар, 9 фоизини тиббиёт ходимлари, 31,4 фоизини педагоглар, 32,6 фоизини бошқа соҳа вакиллари ташкил этади. Шунингдек, номзодларнинг 18 нафари фан номзоди (PhD) ва 15 нафари фан доктори (DSc) илмий даражасига эга.

Делегатлар номзодларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги тажрибасини, турли соҳалардаги фидокорона меҳнатини, юқори малакали мутахассислигини ҳамда партиянинг асосий гоъя ва мақсадлари учун кураша оладиган шахслар эканини қайд этиб, депутатликка номзодларни қўллаб-қувватлаш ҳақида яқдил қарор қабул қилди.

Қурултойда Халқ демократик партиясининг парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловларда фаол иштироки ва юқори натижага эришишига оид муҳим қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.

ҚАЛБГА ЖО БЎЛГАН ҲАҚИҚАТЛАР

Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг “Уйғонаётган арслон” сарлавҳали мақоласини катта қизиқиш билан мутолаа қилдик. Унда август ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат ташрифи, Остона шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувидаги иштироки, спортчиларимизнинг Париж Олимпиадасидаги тарихий ғалабаси Ўзбекистонимизнинг дунё сиёсати, маданияти ва замонавий тарихидаги юксалиб бораётган ўрни билан боғлаган ҳолда таҳлил қилинган.

МУНОСАБАТ

Дарҳақиқат, Қозоғистонда ўтган йиғилишда юз йиллардан буён янғирамаган, қўрқув ва талваса ичра тилларга кўнмаган улуг бир гоъя — “минтақа интеграцияси”, “минтақавий ўзига хослик” деган сиёсий қақирқилар ўртага ташланди.

Бундан икки аср муқаддам француз императори Наполеон Бонапарт “Ҳозирча Шарқ йўлбарси уйқуда экан, бир иш қилсак, қўлайлик”, деган эди. Аслида ҳам Шарқ олами қадимдан дунё тамаддуни марказларидан бири бўлиб келган, XV асрдан бошлаб сув йўлларининг кашф этилиши ва маҳсулотларни нисбатан хавфсиз ва камҳаражат билан ташвиш имкони очилгани Шарқнинг асрлар давомида шаклланган алоқаларига ўз салбий таъсирини ўтказиб, унинг маъълум давр мобайнида дунё тамаддунидан узилиб қолишига сабаб бўлган.

Биз сув йўлига тўғридан-тўғри чиқа олмаймиз, бу — ҳақиқат, аммо бу бизнинг бирор-бир жиҳатдан жаҳон ҳамжамиятидан айри қолишимизга баҳона эмаслиги барчага маълум. Аслида ҳам бирор мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этишини фақат сув йўллари аҳамиятига боғлаб қўйиш мантиқан тўғри эмас. “Африка йили” деб эълон қилинган 1960 йилда минтақадаги 17 та давлат ўз мустақиллигига эришган эди. Ҳозир Африка минтақасида 54 та давлатнинг 38 таси ёки 70 фоиздан ортиғи бевосита, қолгани эса иккинчи давлат орқали денгиз йўлига чиқиш имконига эга бўлишга қарамасдан, улар аксариятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси мустақилликкача эришган йиллар мезонларида сакланиб қолаётгани иқтисодий ўсиш суъятларини фақат сув йўлларига боғлаб қўйиш тўғри эмаслигини исботлайди.

Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти унинг жуғрофий жойлашуви, мавжуд қазилма бойликлардан самарали фойдаланиши, инсон сало-

ҳияти, жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви каби муҳим омилларга боғлиқ. Бунда давлатчилик тизимининг демократик тамойиллар асосида шакллантирилиши, қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат хавфсизлигининг ҳал этилиши, аҳоли сонининг тез суъратлар билан ортиб бориши ҳам муҳим ўрин тутди.

Мақолада келтирилганидек, Қозоғистон ва Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти жиҳатдан муҳим ўрин эгаллаши, шубҳасиз. Қозоғистон билан мамлакатимиз чегараларининг умумий узунлиги 2351 километрни ташкил этади. Бу икки қўшни юрт вакиллари асрлар мобайнида бирга умргузaronлик қилиб, тили, дини, урф-одатлари ўзаро ҳамоҳанглиги билан алоҳида ажралиб туради. Бугунги кунда бу икки мамлакат ўзаро интеграциялашувиусиз Марказий Осиё минтақаси келажагини белгилашнинг асло имкони йўқ.

Одатда ўзаро иқтисодий алоқалар, асосан, қўшни давлатлар билан амалга оширилади. Президентимиз 20 август куни тadbиркорлар билан учрашувда ён қўшниларимизнинг йиллик импорти 90 миллиард доллар эканини таъкидлагани мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг ўсиши айнан шу минтақадаги республикалар билан ҳамкорликда амалга ошишини кўрсатмоқда.

Айниқса, “Бир макон, бир йўл” дастури доирасида Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистоннинг бир-бири билан иқтисодий интеграциялашуви ўзаро иқтисодий алоқалар истиқболини белгилаб беради. Шунингдек, Қирғиз Республикаси орқали Хитой билан замонавий темир йўллар ёрдамида боғланишимиз ҳам минтақа бозори учун жуда катта имкониятлар эшигини очди.

Яқинда интернет тармоғида собиқ шўролар мамлақати раҳбарининг 1991 йил 28 майда Қозоғистонга ташрифи тафсилотиға кўзим тушиб

қолди. Ўша даврларда мамлакат қанақа аҳволда экани биз тенги авлод кўз ўнгига шундоққина гавдаланиб турибди. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий инқироз оқибатида мамлакат ҳалокат ботқоғи бўсағасида эди. Бу пайтда мамлакат собиқ бош қотиби аҳоли билан учрашиб, халққа нималарнидир тушунтирмоқчи бўляпти. Бўлаётган воқеалардан, олдинда қутилаётган муаммолардан беҳабар раҳбарнинг айтётган фикрлари эса оддий фуқароларнинг энасини қотираётгани ҳам кўриниб турибди. Биз ана шундай оғир даврларни бошидан кечирган авлодимиз.

Президентимизнинг тadbиркорлар билан бўлган учрашувида халқсан қатнашдим, унда ҳар бир масала атрофлича муҳокама этилиб, давлат раҳбари томонидан уларнинг ечимлари топиб берилгани — бу давлат ва халқ сиёсати яқдллигининг ёрқин намунаси, деб тушундим. Шукрки, юртимизда шундай теран фикрли, уюғмоқ қалбли ва ўз халқи деб жонини фидо қилишга тайёр лидерни қўриб турибмиз. Мамлакатимиз раҳбарининг давлатчиликдаги адолатли сиёсатини, иқтисодиётни юксалтириш борасида қатъий саяёҳаракатларини, илму маърифат йўлидаги хизматларини ва маънавият соҳасига юксак эътиборини алоҳида эътироф этгимиз келди. Бу инсоннинг ҳеч кимга ўхшамаган шижоати, фавқуллода жонқуярлиги ва ҳаёт олдимизга қўяётган муаммоларни ҳал этишга диққат-эътибори унинг улуг раҳнамо эканидан далолат беради.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг оммавийлигини таъминлаш борасида Президентимиз имзолаган Фармон ва қарорлар муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимиз вакилларининг ёзғи Олимпия йўилларидаги юксак муваффақиятлари Президентимизнинг мамлакатимизда спортнинг оммавийлигини таъминлаш борасида қўли бораётган изчил сиёсатининг пирволард натижаси, десак, асло муболага эмас.

Айни шу жиҳат сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг мақоласида таҳлилий асосда ёритилгани гоъят муҳим ўрин тутди. Мақола инсонлар қалбига жо бўладиган фикрлар, ҳақиқатлар билан йўрилгани унинг таъсирчанлиги, ўқишлилиги ва аҳамиятини янада оширган.

Мухаммадқосим ОЛИМОВ, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раиси.

Ёшлигимизда ўзбекистонлик чемпион деганда кўз ўнгимизда Руфат Рискиев гавдаланарди. У 1974 йилда Гаванада ёшлар ўртасида бокс бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида голиб бўлган эди. Ўша даврда маҳаллий юрт фарзандининг чемпион бўлиши фавқуллода ҳолат эди. Чунки собиқ шўролар даврида маҳаллий халқ фарзандлари спортда голибликни қўлга кирита олади, деган фикр у ёқда турсин, ҳатто нафақат тилни билмагани, балки бўйи меъёрдан паст бўлгани, камқонлиги, вазнининг ёшига нисбатан енгиллиги, спорт билан мунтазам шуғулланмагани каби айбовлар билан ҳарбий хизматнинг қурилиш ёки қўриқлаш батальониға жўнатилар эди.

Ҳинд халқининг буюк йўлбошқиларидан бири Жавахарлал Неру “Нега биз — ҳиндлар японлар эмасмиз?” деган саволға жавоб бериб, “Чунки уларға мустамлақачилик деб аталган сиёсатнинг ҳатто сояси ҳам тушмаган”, деган фикрни билдирган эди. Тарих сабоғи шундан иборатки, у миллат ким бўлишидан қатъи назар, ҳинди ёки араб, хитойми ёки булғор, румин ёки молдаван, фақат ўз мустақиллигига эришсагина, ҳақиқий ривожланиш илдиэларига эга бўлади. Шу маънода, кимнингдир сояси ёки паноҳи остида бирор миллатнинг униё-ўсганиға тарих тамаддуни гувоҳ бўлган эмас.

Мустақиллик шарофати билан бизнинг спортчиларимиз ҳам жаҳон ареналарида бахслашиш имконига эга бўлди, улар ана бир бор ҳеч кимдан кам эмаслигимизни исботлади. Олимпия йўилларидаги голиблик халқимиз руҳиятини тетикаштирди, қаддини кўтарди, келахакка ва галабаға бўлган юксак ишончини шакллантирди. Аҳамиятлиси, бу спортчиларимизнинг барчаси мустақиллик фарзандларидир.

Шарқнинг арслон мамлақати — Ўзбекистонда юз бераётган мисли қўрилмаган бу ўзгаришлар жасоратли раҳнамо томонидан олиб борилаётган қатъиятли сиёсат маҳсули ўлароқ тарих зарварақларида муҳрланмоқда.

бўйича яхши натижаға эришяпти. Қолаверса, Қува кивиси асл ватанидагиға қараганда мазали, ширин ва сувли бўлгани учун унинг қўнчалари тобора харидорлар қўри бўлиб бораётир. Миришкор томорқачилар мамлакатимиз вилоятларидадан ташқари, қўшни республикаларға ҳам киви қўнчалари сотади.

Қува туманида кейинги йилларда лимондан ташқари, апельсин, мандарин, банан каби цитрус меваларни маҳаллийлаштириш бўйича изланишлар давом этмоқда.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИДА БОЛАЛАР ИШТИРОКИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан “2024 йилги пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун шарт-шароит яратилишини ўрганиш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатға йўл қўймаслик бўйича миллий мониторингни ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида” брифинг ўтказилди.

Брифинг

Брифингда оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти, “BCI” халқаро ноҳукумат ассоциациясининг Ўзбекистондаги филиали, Халқаро қасаба уюшмалари бирдамлиги учун Америка маркази мутасаддилари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, сўнгги 7-8 йил давомида Президентимиз ташаббуслари билан халқ манфаатларини таъминлаш ва инсон қадрини улуглаш мақсадида барча соҳада бирдек амалға оширилаётган тизимли ислохотлар натижасида ижтимоий меҳнат муносабатлари соҳасида ҳам салмоқли ютуқларга эришилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси тўғрйли мамлакатимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатға бутунлай барҳам берилди. Худди шу мақсадларда қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, мавжудлари такомиллаштирилди. Бу каби саяёҳаракатлар натижаси ўлароқ Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан 2021 йилги пахта-йиғим терими мавсуми давомида ўтказилган “Учинчи томон мониторингни” натижаларига кўра, Ўзбекистонда болалар

меҳнати ва мажбурий меҳнатдан умуман фойдаланилмагани эътироф этилди. 2022 йил 10 март куни эса “Cotton Campaign” халқаро коалицияси ўзбек пахтасига нисбатан глобал бойкот бекор қилинганини очиклади ва бу Ўзбекистон учун катта иқтисодий ютуқ бўлди.

Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатға йўл қўймаслик борасида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳам тизимли ишлар амалға ошириб келинмоқда. Хусусан, мана бир неча йилдирки, фуқаролик жамияти институтлари иштирокида пахта йиғим-терими даврида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатға йўл қўймаслик ҳамда теримчилар учун яратилган шароитларни ўрганиш юзасидан миллий мониторинг ўтказиб келинмоқда.

Уни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад пахта йиғим-терими ишларида вояға етмаган шахсларнинг, ўқувчи ва талабаларнинг, бюджет ва нобюджет ташкилотлари ходимларининг мажбурий меҳнатидаги фойдаланишға йўл қўйилмаслиғи юзасидан жамоатчилик назоратини амалға ошириш, мавсумда теримчилар учун етарли яшаш, дам



Ақмал МУХАММАДОВ олган сурат.

олиш ва меҳнат шароитлари яратилганини баҳолаш, қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта хомашёси учун адолатли меҳнат ҳақи тўлинишини назорат қилиш, пахта-тўқимачилик клас-терлари, фермер хўжалиқлари ходимлари билан меҳнат шартномаси, вақтинчалик теримға жалб этилган фуқаролар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муддатли меҳнат шартномаси тузилганлигини ҳамда терим отрядлари ва пахта етиштирувчи хўжалик ўртасида жамоа шартномаси тузилганлигини назорат қилишдан иборатдир.

Шунингдек, Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси томонидан тайёрланган тавсияларға риюа этилиши ҳам мониторинг жараёнида ўрганилади.

Брифингда жорий йилги Миллий мониторинг 10 сентябрдан бошланиб, 31 октябргача давом этиши маъ-

лум қилинди. Миллий мониторинг давомида камчиликлар аниқланса, уларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилиши, мониторинг юзасидан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссияға ахборот бериб борилиши қайд этилди.

Тadbирда таъкидланганидек, мониторингни юритиш мақсадида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳудудий мониторинг гуруҳлари тузилиб, улар таркибига тармоқ қасаба уюшмалари республика кенгашларининг масъул ходимлари, Федерациянинг ҳудудий кенгашлари меҳнат-техник инспекторлари, шунингдек, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон давлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг жойлардаги ташкилотлари вакиллари киритилди. Самарадорликни ошириш мақсадида

иши гуруҳлар таркибидаги мутахассислар мониторинг жараёнида фойдаланиш учун махсус кийим-бош ва ҳудудий гуруҳлар раҳбарлари интернет тармоғига уланган планшетлар билан таъминланди.

Шунингдек, Миллий мониторингни сифатли ўтказиш мақсадида унинг услубиёти, “Мониторинг гуруҳларининг жойларда ҳаракатланиш кетма-кетлиги”, “Мониторингда интервью олиш саволномаси”, “Пахта йиғим-терими иштирокчилари учун яратилган шарт-шароитларни баҳолаш бўйича саволнома” ва ахборот бериш шакллари ишлаб чиқилиб, мониторинг гуруҳларига тақдим этилди.

Брифингда Миллий мониторинг жараёнида пахта тераётган вояға етмаган шахслар аниқланса, уларни зудлик билан даладан олиб чиқиш ва ўқув даргоҳиға ёки уйиға қайтариш чоралари қўрилиши, бу ҳақда далолатнома тузилиб, айбдор шахсларға нисбатан чора кўриш учун меҳнат инспекциясиға юберилиши қайд этилди. Мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ҳолатлари аниқланган ҳолда эса зудлик билан қасаба уюшмалари инспектори томонидан вазият ўрганилиши ҳамда далолатнома тузилиб, уларни иш жойларига қайтариш чоралари қўрилиши, шу билан бирга, ҳудудий Қайта алоқа механизми вакилларига ҳам хабар берилиши маъълум қилинди.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишға қаратилган

Қайта алоқа механизми Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тизимида ташкил этилган бўлиб, мавсум давомида узлуксиз равишда кечаю кундуз ишлайди. Бунинг учун Федерация юридик клиникаси ва унинг ҳудудлардаги филиалларида қасаба уюшмалари вакилларининг доимий навбатчилиги йўлга қўйилган. Келиб тушган мурожаатларни тезкорлик билан қўриб чиқиш мақсадида 10-92 қисқа рақамли “Ишонч телефони”, сайтлар, “Telegram” ижтимоий тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланилади. Бу ҳақда қасаба уюшмалари томонидан 200 та баннер тайёрланиб, барча туман, шаҳар марказларига ўрнатилмоқда, корхона, ташкилот, муассасалар ҳамда одам гажум бўладиган жойларға эса 10 минг донна постер жойлаштирилди ва меҳнаткашлар ҳамда аҳоли вакилларига 200 мингта флаер тарқатилмоқда.

Брифингда таъкидланганидек, Миллий мониторинг жараёнида ўрганиш натижаларини (Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида” ги ва “Шахсий маълумотлар тўғрисида” ги қонунлари ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти билан келишилган “Мониторинг услубиёти” талабларига мувофиқ) ошкор этмаслик тамойилиға амал қилинади ва мониторинг аяқулар тўғрисида жорий йил декабрь ойида ўтказиладиган давра суҳбатида ба-тафсил маълумот берилади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

